

## Тошкент шаҳридаги «Искандархўжа» жомеъ масжиди фойдаланишга топширилди



17:48 / 02.12.2023 1077

2023 йил 2 декабрь куни пойтахтимизда қайта қурилган «Искандархўжа» жомеъ масжидининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холикназар ҳазратлари, «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мудирини, устоз Абдуҳаким қори Матқулов ва Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Абдуқаҳҳор домла Юнусов ҳамда масжид аҳллари иштирок этишди.

Тадбирда юртимизда диний-маърифий жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янги масжид очиш, қайта қуриш ва таъмирлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, уларда намозхонларга яратилган қулай шароитлар ҳақида сўз юритилди.

Маросим якунида Қуръони Карим тиловатидан сўнг устоз Абдуҳаким қори Матқулов хайрли дуолар қилиб бердилар.

Маълумот ўрнида, масжид янги биносининг қурилиш ишлари 2022 йил май ойида бошланган. Жомеъ илк маротаба 1995 йилда қурилган. 1998 йилда

эса давлат рўйхатидан ўтказилган. Масжиднинг эътиборга молик жиҳати шундаки, мажмуанинг умумий майдони 20 сотих бўлиб, хонақоҳ ва айвонларда 5000 нафардан зиёд намозхон ибодатларни эмин-эркин адо этиши мумкин. Баландлиги 10 метр бўлган гумбазлар ва битта минора масжид кўркига кўрк қўшмоқда.

Мажмуада иссиқлик ва совутиш тизимлари, шу билан бирга замонавий овоз кучайтиргичлар ўрнатилган. Имом-хатиб, мутаввалли ва қоровулхона каби маъмурий бинолари ҳам бор.

Замонавий таҳоратхонасида бир вақтнинг ўзида 100 дан зиёд киши фойдаланиши учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Аллоҳ таоло бундай хушхабарларни бардавом қилсин.









